

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ**  
**ҚАРОРИ**

**Б.ЮСУПОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ**  
**МАЖЛИСИНИНГ СЕНАТИ АЪЗОСИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ**  
**ТЎҒРИСИДА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 августдаги “Б.Т.Юсуповни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб тайинлаш тўғрисида”ги 5140-сон Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 50, 62-моддалари, “Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5, 9-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

**Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:**

1. Баходир Турсунович Юсупов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзоси этиб рўйхатга олинсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборилсин.

3. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

**Марказий сайлов комиссияси**  
**Раиси**

**М.Абдусаломов**

*Тошкент шаҳри,*  
*2017 йил 11 август,*  
*№ 841.*